

**ИННОВАЦИОН-ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАР
САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ НАЗАРИЯСИ ВА
АМАЛИЁТИ**

Нилуфар Шеркуловна БАТИРОВА

доцент в.б.

Иқтисод фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Тошкент, Ўзбекистон

пошли: n.batirova@iiau.uz,

ORCID: 0000-0001-7542-0825

Аннотация

Мақолада саноат корхоналарининг инновацион-инвестицион лойиҳалари самарадорлигини баҳолашда молиявий қўрсаткичлар ва уларнинг таҳлилий амалиёти очиб берилган. Корхоналарнинг ривожланиши ҳусусиятлари, уларнинг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватловчи компанияларнинг зарурлиги ҳамда турли даражада ривожланишининг асосий сабаблари ёритилган. Корхоналарнинг инновацион салоҳият қўрсаткичлари бирма-бир таҳлил қилинган. Инновацияни қўллаб-қувватлашнинг хориж тажрибасидан ҳам бир қанча мисоллар келтирилган. Холосада корхоналар инновацион-инвестицион лойиҳалари самарадорлигини ошириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар мажмуи келтирилган.

Таянч сўзлар: инновация, инвестиция, лойиҳа, самарадорлик, молиявий қўрсаткичлар, кредит, корхона.

**ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА ОЦЕНКИ ЭФФЕКТИВНОСТИ
ИННОВАЦИОННО-ИНВЕСТИЦИОННЫХ ПРОЕКТОВ**

Нилуфар Шеркуловна БАТИРОВА

и.о.доцента

Доктор философии по (PhD) экономическим наукам

Международная исламская академия Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

e-mail: n.batirova@iiau.uz

ORCID: 0000-0001-7542-0825

Аннотация

В статье раскрыты финансовые показатели и практика их анализа при оценке эффективности инновационно-инвестиционных проектов промышленных предприятий. Выделены особенности развития предприятий, необходимость компаний, поддерживающих их инновационную деятельность, и основные причины их развития на разных уровнях. Анализированы показатели инновационного потенциала предприятий. Представлен ряд примеров зарубежного опыта поддержки инноваций. В заключении представлен комплекс мер, предпринимаемых предприятиями для повышения эффективности инновационно-инвестиционных проектов.

Ключевые слова: инновация, инвестиции, проект, эффективность, финансовые показатели, кредит, предприятие.

Сўнгти 200 йил ичида биринчи саноат инқилобидан бошлаб, жаҳон иқтисодиёти тўлқинсимон ривожланмоқда. Н.Д. Кондратьевнинг узун тўлқинлар назариясига кўра, саноат корхоналарининг эволюцияси технологик укладларнинг ўзгариши билан боғлиқ. Унинг фикрига кўра технологик занжирлар бир-бирига боғланган ишлаб чиқариш гурухлари дидир [7]. Ҳар бир технологик уклад доирасида ёпиқ ишлаб чиқариш цикли бўлиб, у ўз ичига бирламчи ресурсларни қазиб олиш ва уларни қайта ишлашнинг барча босқичлари ҳамда тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнини олади. Технологик укладлар мураккаб ички тузилмага эга. С.Ю. Глазьевнинг фикрига кўра асосий технологик бирликлар технологик тузилманинг ядросини ташкил этади. Бундай ядроларни яратишда иштирок этувчи технологик янгиликлар “асосий омил” номини олган. Шу сабабли, ихтиrolар корхоналарнинг рақобатбардошлигини оширишнинг интенсив омилларига киради.

Саноат корхоналарининг ўсиш даражаси ва бозордаги ҳиссасига уларнинг ривожланишини баҳолашда энг асосий қўрсаткичлар сифатида қаралмаслиги лозим, деб ҳисоблаган. Ушбу қўрсаткичлар эҳтимолий пул оқимлари ва молиявий воситаларга бўлган талабни аниқ қўрсатадиган ишончли қўрсаткичлар эмаслиги, саноат корхоналарининг самарали фаолият юритишида рақобат қураши стратегияси алоҳида ўрин эгаллаши таъкидланган.

Саноат корхоналарида фан-техника ютуқларидан фойдаланган ҳолда меҳнат унумдорлигини ошириш кўзда тутилади. Бу эса инновация ютуқларидан корхоналар фаолиятини ривожлантиришда фойдаланиш муҳим омил эканлигини қўрсатади. Бунда корхоналарда амалга оширилаётган ташкилий ўзгаришлар билан бир қаторда технологик ривожланишнинг содир бўлиши иқтисодий ўсишнинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Корхоналарнинг инновацион-инвестицион салоҳиятини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари бир қатор тадбирлар мажмуини ўз ичига олади, хусусан:

- 1) корхоналар илм талаб маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлиши;
- 2) корхоналарнинг ишлаб чиқаришида юқори қўшилган қийматга эга товарлар ҳиссасининг юқорилиги;
- 3) янги технологияларни жорий этиш ва уларга бўлган талабни қўллаб-кувватлаш;
- 4) меҳнат ҳажмининг юқори бўлиши ва ушбу тармоқларни ривожлантиришдан манфаатдор ишчилар гурухининг шакллантирилиши;
- 5) модернизация учун асос бўлган тармоқлар, биринчи навбатда, жаҳон бозорига ва ундан кейингина ички бозорга йўналтирилган бўлиши;
- 6) худудда аниқ йўналтирилган кластерларни шакллантириш: биотехнология, ахборот технологиялари, кимё, энергия ва ресурс тежаш манбаларини қайта тиклаш;
- 7) кадрлар тайёрлаш тизимини қайта шакллантириш, танланган етакчи илм-фан тараққиёти йўналишларига мувофиқ мутахассислар номенклатурасини ўзгартириш;
- 8) илмий-технологик марказларни шакллантириш, ушбу марказлар олий таълим муассасалари битирувчилари учун илмий тадқиқот ишларини ўtkазиш мақсадида асбоб-усқуналар билан таъминланган майдонларни ажратиши.

Инновация корхоналарнинг иқтисодий ривожланиши ҳамда технологик равнақида хорижий мамлакатларнинг тажрибаси муҳим ўрин эгаллади.

Унга кўра, инновацион ривожланиш вақт талаб қилувчи жараён бўлиб, кўп вақтни талаб қиласди. Ушбу давр мобайнида корхоналарнинг инновацион ривожланиши учун зарур шарт-шароит яратиш зарурияти юзага келади. Бу ерда, технологиялар импорти муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Бу жараёнда бошқа мамлакатларнинг инновацион ютуқларини қўчириш эмас, корхоналарнинг янги лойиҳаларини амалга оширишда мавжуд ютуқлардан фойдаланишининг арzonга тушишига олиб келадиган принцип асос ҳисобланади

Корхоналарнинг турли даражада ривожланиши сабаблари

№	Сабаблар мажмуси
1	Корхоналарнинг иқтисодий ривожланиш даражасининг фарқланиши
2	Корхоналарнинг инновацион фаоллик даражасини турли-туманлиги
3	Инновацион база мавжуд бўлмаган корхоналарнинг мавжудлиги
4	Корхоналарнинг ресурс имкониятларининг турли-туманлиги
5	Кадрлар муаммоси (инновацион стратегияни амалга ошириш имконини бермайди)
6	Кўпгина корхоналарда инновацон ишланмаларни татбиқ этишга рағбатнинг пастлиги
7	Тижорат банклари ва венчур тузилмалари томонидан инновацион фаолиятни молиялаштириш тизимининг ривожланмаганлиги

Корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараёнини самарали ривожланиши, уларнинг фаолияти узлуксиз амалга ошишида илм-фан билан интеграциялашув алоҳида аҳамият касб этади. Бу эса корхоналар яқинида инновацион марказлар, илмий-техник парклар, бизнес инкубаторлари ва кластерларнинг ташкил этилишини талаб қиласди. Инновацион марказлар эса гояларни капитал ва тадбиркорлар билан бирлаштириш ҳамда инновацион корхоналар фаолиятининг дастлабки босқичида молиявий маблағлар жалб этишга кўмак бериш вазифасини амалга оширади. Бизнес инкубаторлари ҳам корхоналарнинг инновацион-инвестицион самарадорлигини оширишда муҳим элемент ҳисобланади. Хусусан, кичик инновацион саноат корхоналарига малакали маслаҳат ҳамда бошқа консалтинг хизматларидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш қувватлари, маъмурий бино ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш, илмий-техник ва бошқа турдаги ахборотлардан фойдаланиш имкониятини беради, резидент-корхоналар учун салоҳиятли инвесторларни қидириб топиш хизматларини тақдим этади. Бу марказлар томонидан хизматлар тақдим этилиши учун ҳам корхоналарнинг инновацион ривожланиш имкониятлари баҳоланиши зарур. Бу маълум бир кўрсаткичларга алоҳида ургу беришга қаратилади:

1. Молиявий жиҳатни ёритувчи кўрсаткичлар (корхонадаги мавжуд маблағлар, кредит тўлаш имконияти ва сармоя маблағлари, асосий воситалар, номоддий активлар ва ҳ.к.). Инновацион фаолиятни амалга ошириш мақсадида молиявий ресурсларни баҳолаш зарурияти юзага келади. Энг яхши

вазият – инновацион ишланмаларга сарфланиши мумкин бўлган эркин маблағларнинг мавжудлиги ҳисобланади. Минтақадаги корхоналарнинг ўз маблағ имкониятидаги муаммолар ҳисобга олинса, инновацион ривожланишдаги энг оптимал вариант уларнинг интеграцион стратегияси ҳисобланади.

2. Ишлаб чиқариш имконияти ва салоҳияти (HR менежмент тизимининг мавжудлиги, меҳнат ресурсларининг юқори малакага эгалиги). А.И.Анчишкин [2] ишлаб чиқариш салоҳиятига “ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш омили шаклига ўтувчи ресруслар жамланмаси” дея таъриф берган. Г.Б.Шаназаров эса ишлаб чиқариш салоҳияти иқтисодий салоҳиятнинг энг муҳим таркибий қисми, деб ҳисоблайди. Ушбу концепцияга мувофиқ ишлаб чиқариш салоҳияти ишлаб чиқариш фондлари ҳамда қувватини характерловчи турли ресурсларни ўз ичига олади.

3. Саноатда банд бўлган кадрлар салоҳияти (ИТТКИ бўлинмалари ходимларининг юқори интеллектуал салоҳияти, корхоналарда кучли технологларнинг мавжудлиги). Кадрлар салоҳияти деганда ходимларнинг малакали таълим даражаси, аҳолини меҳнат қилиш имконияти тушунилади.

4. Интелектуал салоҳият (технологик хужжатлар, патентлар, лицензиялар, инновацияларни ривожлантириш бўйича бизнес-режалар, минтақанинг инновацион дастури). Интелектуал салоҳият деганда саноат корхоналарида банд бўлган ишчиларнинг билим, кўникма, ахборот, қадрият ва кўникмаларининг ривожланганлигини кўрсатувчи интеллектуал қобилияtlар йифиндиси ҳамда уларни янги ишланмаларда амалга ошириш, ривожлантириш имкониятини англаш мумкин.

Инновацион салоҳиятнинг умумий параметрлари бўйича омиллар турли манбаларда турлича берилган бўлиб, умумий ҳисобда улар 2-жадвалдаги кўрсаткичлар тизимини бирлаштиради. Кўрсаткичлар таркибида корхоналарнинг молиявий кўрсаткичлари устунлик ҳусусиятига эга ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичлар ликвидлилик, рентабеллик кўрсаткичларини ҳисоблашда, шунингдек, инновацион ишлаб чиқаришни

таъминловчи асосий фондларнинг ҳолатини таҳлил қилишда муҳим ўрин тутади. Хоссатан, асосий воситаларнинг яроқлилик фоизи кўрсаткичининг юқорилиги аҳамиятли бўлиб, ушбу кўрсаткич уларнинг техник ҳолатини тавсифлайди. Ушбу коэффициентнинг шартли нормаси 0,5 дан баланд ҳисобланади. Шунингдек, саноатда банд аҳолига тўғри келувчи асосий воситалар қиймати ҳам саноат ишлаб чиқариш имкониятларини кўрсатади. Асосий фондларнинг янгиланиш коэффициенти ҳам бу ҳолатда аҳамиятли бўлиб, ушбу кўрсаткичнинг йилдан-йилга пасайиши, саноат корхоналарининг моддий техник базаси ёмонлашишига олиб келади.

2-жадвал.

Корхоналарнинг инновацион салоҳияти кўрсаткичлари [10]

№	Инновацион салоҳият кўрсаткичи	Тузилмавий таркиблар
1	Молиявий кўрсаткичлар	<ol style="list-style-type: none"> Ўз маблағлари Қарз маблағлари Инвестиция маблағлари Бюджет маблағлари Грант маблағлари
2	Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари	<ol style="list-style-type: none"> Фонdlар қайтиши Ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги Асосий воситаларнинг янгиланиш даражаси 10 йилгача бўлган асосий воситаларнинг умумий фондлари хиссаси
3	Ходимлар салоҳияти	<ol style="list-style-type: none"> Саноат корхоналари ходимларининг малака даражаси 30 ёшгача бўлган малакали меҳнат ресурслари хиссаси Инновацион лойиҳаларга жалб этилган меҳнат ресурслари хиссаси Илмий-техник соҳада фаолият юритаётганларнинг иш ҳақи даражаси Ишлаб чиқаришни самарали бошқариш кўрсаткичи
4	Интеллектуал	<ol style="list-style-type: none"> Ялпи саноат маҳсулоти таркибида янги маҳсулотлар хиссаси Янги технологиялар хиссаси Ишлаб чиқаришга йўналтирилган харажатларга нисбатан ИТКИга йўналтирилган харажатлар хиссаси Интеллектуал мулкка эгалик даражаси
5	Бозор	<ol style="list-style-type: none"> Саноат маҳсулотларининг рақобатбардошлиги Инновацион маҳсулотлар рентабеллиги Бозордаги хисса

Асосий воситалар янгиланиш коэффициентининг ошиши саноат корхоналарининг асосий воситалари таркибида янги машина ва

ускуналарнинг ортишини англатади. Бу эса янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг кўпайишига, унинг сифати ва рақобатбардошлигининг ошишига шарт-шароит яратади. Янгиланиш коэффициенти қанчалик баланд бўлса, саноат корхоналарининг техник салоҳияти шунчалик юқори бўлади. Саноат корхоналарининг яна бир ресурси бу – кадрлар салоҳияти. Микдорий ва сифат нуқтаи назаридан кадрлар тузилмаси саноатни ривожлантиришда мухим аҳамият касб этади.

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, инновацион тараққиёт даражаси таҳлил натижаларининг ҳаққонийлигини таъминлаш саноат корхоналарининг молиявий ҳисобот кўрсаткичларига асосланади. Бунда инвестицион жозибадорлик кўрсаткичлар гурухини таҳлил қилиш ва ҳисоблаш зарурияти шундаки, инновацион лойиҳалар катта микдорда молиявий қўйилмаларни талаб этади. Бу эса уларни амалга ошириш учун кўшимча инвестициялар зарурлигини талаб этади.

Демак, мамлакатда барқарор сиёсий вазият ҳамда барқарор фаолият кўрсатаётган иқтисодиёт шароитлари мавжуд бўлса, ривожланишнинг ҳар қандай турида саноат корхоналарининг инновацион ривожланиши самарали бўлади. Фақат бунда инновацион ва молиявий инфратузилмага ҳамда илмий салоҳиятга эътибор қаратиш лозим. Ҳеч қайси мамлакатда саноат корхоналарининг инновацион ривожланиши фақатгина хусусий сектор томонидан мустақил шакллантирилмайди, бу тизимни ривожлантиришда давлат етакчи роль ўйнайди. Давлат саноатнинг муайян тармоғига тегишли бўлган корхоналарни ўзаро занжирли боғланишига ёрдам беради. Бу эса кластерли ривожланишни кўрсатади. Ҳар бир саноат тармоғи атрофида ўз таркибига ишлаб чиқариш корхонаси, хизмат қўрсатиш марказлари, савдо тармоқлари, илмий ва таълим муассасаларини олувчи кластер шаклланишини назарда тутади. Бу эса саноат корхоналарини инновацион ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқариш ҳамда уни амалга ошириш механизмларини зарурлиги ҳақида хулоса беради. Буни хорижий давлатлар мисолида кўриш

мумкин. АҚШда саноат корхоналарининг инновацион фаолиятини қўллаб-куватлаш учун қуидаги молиявий инструментлар қўлланилди:

1. Йирик корхоналар учун солик имтиёзлари: компаниянинг фойда солиги илмий тадқиқотлар учун ўсган харажатларни 20 фоизга камайтирилади. Ушбу харажатларнинг ўсанлик хажми аввалги уч йилдаги ўртacha даражага солиштирган ҳолда аниқланади.
2. Университетларнинг корхоналар билан шартнома асосида амалга оширилган фундаментал илмий тадқиқот дастурларига харажатлар учун даромад солигига 20 фоиз миқдорида имтиёз киритилган.
3. Уларнинг акциялари реализациясидан тушган даромадидан солик ставкаси камаяди.
4. Машина ва ускуналар учун тезлаштирилган амортизация: амортизация муддати 5 йил этиб белгиланди. (ИТТКИдаги ускуналар учун 3 йил).

Саноат корхоналарини инновацион ривожланишида “Уч спираль” (Triple Helix) моделидан кенг маънода фойдаланилган бўлиб, ушбу назария Стенфорд университети профессори америкалик олим Генри Ицковиц томонидан таклиф этилган. У инновацион тизимнинг асоси сифатида университетлар, корхоналар ва давлат ўртасидаги ўзаро таъсирларга ургу беради. Шунингдек, миңтақа саноатининг инновацион ривожланишида университетлар етакчи роллардан бирини эгаллайди, деб ҳисоблайди. Бунда “Уч спираль” модели қуидаги асосларни ўз ичига олади:

1. Илмга асосланган жамиятда саноат ва ҳукumat билан университетларнинг ўзаро муносабатларида уларнинг вазифасини кучайтириш.
2. Университет–бизнес–ҳукumat. Бу учликнинг ўзаро ҳамкорлигига ҳаракат қилиш ҳамда инновацион ривожланишда давлатнинг хошиш-иродасига кўра эмас, балки уч институтнинг ўзаро ҳошишига кўра амалга оширилади.
3. Анъанавий вазифаларга қўшимча равишда уч институтнинг ҳар бири маълум бир маънода бир-бирининг вазифаларини ҳам бажаради.

АҚШда саноат корхоналарининг инновацион ривожланишида университетларнинг аҳамияти алоҳида ўрин эгаллайди. Уларга қўйидаги мажбуриятлар юкландган:

1. Грантлар ҳисобига молиялаштирилган тадқиқотлар бўйича амалга оширилган ҳар қандай грантлар ҳақида давлатга маълумот берабориши.
2. Ишланмаларни молиялаштирувчи ташкилотлар бўйича маълумот берабориши.
3. Технологияларни тижоратлаштириш бўйича фаол сиёсат олиб берабориши.
4. Давлат ташкилотларидан рухсатсиз учинчи шахсларга кашфиётлардан фойдаланиш хуқуқини бермаслик.
5. Кашфиётларни биринчи ўринда саноат ва кичик бизнесга сотиш.

Генри Ицковицнинг фикрига кўра университет бу фақатгина таълим берувчи муассаса бўлмай, йиғилган билимларни амалиётга татбиқ этувчи муассаса ҳамдир. 1846 йилда Уильям Бартон Роджерс Берган томонидан “Университет–ишлаб чиқариш” узоқ муддатли муносабатлар гояси бу тадбирнинг асосий марказига айланди. Натижада дунё рейтингларида юқори ўринларни эгаллаган 150 та университет АҚШ миллий инновацион тизимининг асосига айланди. Браун, Гарвард, Йель, Колумбия, Пенсильвания, Пристон университетлари шулар жумласидандир. Шунингдек, Беркли, Стэнфорд университетлари, Массачусетс технологик институти, Вискон университети йирик илмий ва таълим марказларига айланди. “Уч спирал”ни АҚШда яхши ривожланишида 1980 йилда Бэя Доул (Bayh – Dole Act) акти деб номланган патент ва савдо белгилари бўйича қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши муҳим роль ўйнади. Ушбу акт бир худуд доирасида университетлар, кичик бизнес субъектлари ва нотижорат ташкилотларини давлат бюджетидан молиялаштириладиган кашфиётларни бошқариш бўйича хуқуқ ва мажбуриятларни бўйнига олиш имкониятини берди. AUTM (Association of University Technology Managers) америка асоциациясининг ҳисоб-китобига кўра 1991 йилдан 2009 йилгача бўлган даврда АҚШда илмий-тадқиқот ишларининг давлат томонидан

молиялаштирилиши қиймати 588 миллиард долларни ташкил этди. Натижада 249 минг кашфиётлар амалга оширилиб, ундан 51 мингтасига патент олинди. 2009 йилга келиб 38030 та фаол лицензиялардан амалда фойдаланилиб, 6272 та стартаплар яратилди, 300000 та қўшимча ишчи ўринлари юзага келди. Шу билан бирга тадқиқотларга қилинган харажатлар ҳамда тадқиқот натижаларининг тижоратлашувидан олинган асосий даромадлар бир неча университеттагина тўғри келди. Демак, “Уч спирал”нинг муҳим элементи сифатида маҳаллий (худудий) давлат органларини университетлар фаолиятини ривожлантиришда ҳам, инновацион корхоналар учун ижобий муҳитни яратиша ҳам фаол иштирок этишини ажратиб кўрсатиш мумкин.

АҚШ тажрибасидан шуни кўриш мумкинки, саноат корхоналарининг инновацион ривожланиши учун давлатнинг қўллаб-қувватлаши асносида инновацион маҳсулотларнинг тижоратлашуви механизмини яхши йўлга қўйилгани ҳамда давлат тизимидан етакчи технологияларни хусусий секторга иккиламчи фойдаланиш ва тарқатиш учун берилишига алоҳида эътибор қаратилиши энг асосий қадамлардан эди.

3-жадвал.

Инновацияни қўллаб-қувватлаш шакллари

Инновацияни қўллаб-қувватлаш шакллари	Устунлиги	Камчилиги
Инновацияни сотиб олиш	<ol style="list-style-type: none"> Татбиқ этишдан иқтисодий самара олинади Тезда амалга ошириш имконияти Корхона ишчилари малакасини ошириш, кўп холатда, инновация савдоси билан уни самарали ишлатиш мақсадида корхона ишчилари малакаси оширилиши ҳам таъминланади. Инновацияни ўзгартериш имконияти Лизингга олиш имконияти 	<ol style="list-style-type: none"> Эски инновацияни сотиб олиш мумкин Харидорнинг талабларига инновацияни номувофиқ келиши Корхоналарни инновацияга мослашишда қийинлиги
Лицензияни сотиб олиш	<ol style="list-style-type: none"> Татбиқ этишдан иқтисодий самара олинади Тезда амалга ошириш имконияти Инновацияни ўзгартериш имконияти 	<ol style="list-style-type: none"> Эски инновацияни сотиб олиш мумкин Харидорнинг талабларига инновациянинг номувофиқ келиши Корхоналарнинг

		инновацияга мослашишда қийинлиги
Инновацион ташкилотни сотиб олиш	<ol style="list-style-type: none"> 1. Янги турдаги маҳсулот ва технологияларни ўзлаштириш имконияти 2. Бозорда ўз ўрнини эгаллашни кучайтириш 3. Самарани ошириш 4. Бозорни янги сегментларига йўналтириш 5. Молиянинг фойдали қўйилмаси 	<ol style="list-style-type: none"> 1.Корхонага ўзгартиришларни киритилишини ишчилар томонидан салбий кутиб олиш эҳтимоли 2.Ривожланиш самарасининг йўқолиш эҳтимоли

Замонавий технологиялар билан жиҳозланган кўплаб янги имкониятларнинг ишга туширилиши, хомашёни тайёрлашдан бошлаб тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган барча циклга тегишли омилларнинг корхонада мавжудлиги, ушбу корхонанинг устунлигини белгилайди. Корхоналар томонидан инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш турли шаклларда амалга ошиши мумкин.

Инновацияни қўллаб-қувватлаш шакллари саноат корхоналарини технологик кооперация бўйича бошқа корхоналардан ҳамкорларни қидиришга ёрдам беради [11]. Технологиялар трансферининг корхоналар даражасида ривожланиши илмий техник фаолият натижалари трансфери учун зарур бўлган савдодаги технологияларни катта ҳажмдаги базасининг шаклланишини, ишлаб чиқаришда қатнашувчи барча корхоналарнинг ўзаро самарали алоқасини, тегишли тармоқ доирасида ўзаро ёрдамни ташкил этишни таъминлайди. Технологиялар трансферини мақсади технологияларни тижоратлаштиришни тизимли равишда самарали воситасини илгари суриш ва миллий иқтисодиёт ривожланишининг инновацион йўлига ўтишини шакллантиришdir [8]. Шунингдек, трансферлар билан ҳамоҳангликда илмий технологик марказларнинг ташкил этилиши саноат корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича илмий техник, маркетинг, ҳуқуқий, молиявий, консультатив, таълим, маъмурий вазифаларни бажаради.

Бундан ташқари марказларнинг ташкил этилиши техник тадқиқотлар даражасини оширади, университет ва илмий марказларни манфаатли илмий

таълим консорциумига интеграциялашувига олиб келади. Ушбу марказларнинг вазифалари қуидагилардан иборат бўлиши зарур:

- корхоналарни ривожлантириш дастурлари ва стратегияларини амалга оширишни таъминловчи ахборот-таҳлилий маълумотларни ишлаб чиқиш;
- ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш.

4-жадвал.

Технологик трансфер маркази вазифалари [5]

№	Марказнинг вазифалар	Вазифа нуқтаи назаридан амалга ошириладиган ишлар
1	Илмий техник	Инновацион лойиҳаларни бошқариш, интелектуал мулкларни танлаб олиб, экспертизадан ўтказиш
2	Маркетинг	Бозор таҳлили, маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш
3	Хуқуқий	Интелектуал мулк хуқуқини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш
4	Молиявий	Бизнес режаларни ишлаб чиқиш, инвесторларни излаб топиш, бюджетни бошқариш
5	Маъмурий	Патентлаштириш, лицензиялаш ва сертификациялаш жараёнларини амалга ошириш
6	Маслаҳат	Илмий техник экспертиза ва инновацион ишланмаларни ишлаб чиқиш йўналишларида таълим бериш ва маслаҳат хизматларини амалга ошириш

Бу турдаги марказларга турли хил дастурлар доирасида субсидиялар ажратилиши мақсадга мувофиқдир. Марказнинг хизматларидан фойдаланувчи корхоналар сони ошиб бориши, модернизацияланган юқори самарали ишлаб чиқаришга эга ишчи ўринларини пайдо бўлишига олиб келади. Инновацион ишлаб чиқариш технологиялари туфайли хорижий аналогларининг ўрнини босувчи инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Бу хомашёга бўлган ихтисослашувни пасайтиради. Шу билан бир қаторда янги технологияларни татбиқ этиш саноат корхоналари ривожланишининг муҳим омили бўлганлиги туфайли юқори технологик босқичларда маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминловчи замонавий ишлаб чиқариш фондларига алоҳида эътибор қаратиш заруриятга айланади. Эскириб қолган технологиялар ва ускуналарни қўллаш кўп ҳолатда маҳсулот

ишлаб чиқариш самарадорлиги ва меҳнат унумдорлигига салбий таъсир кўрсатади. Корхоналарнинг ривожланиши учун ўз маблағлари этишмовчилиги ҳолатида молиявий ресурсларни, яъни, кредитларни жалб этиш имкониятини юзага келтиради.

Тавсия этилган таклифлар ва улар доирасида ишлаб чиқилган чоратадбирлар саноат корхоналари самарадорлигини оширишга имкон беради.

Бу соҳада биринчи йўналиш инвестицион лойиҳаларнинг давлат томонидан фаол қўллаб-қувватланишидир. Албатта, бу инвестор корхоналарнинг фойда солигини камайтириш билан изоҳланади. Инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда юзага келадиган мураккаб жараёнлар даврида ташкилий қўллаб-қувватлашни таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Анъанавий инвестиция лойиҳаларидан фарқли ўлароқ, инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан боғлиқ кредит хавфи анча юқори. Агар хусусий сектор инновацион хатарларни ҳаддан ташқари деб ҳисобласа, хукумат бу хатарларни қабул қилиши ва янги инновацион лойиҳаларга сармоя киритиши керак. Молиялаштиришнинг асосий манбалари бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари фонdlар, корхоналарнинг ўз маблағлари, ссудалар, инновацион инвестициялар, махсус фонdlар, инновацион хорижий кредитлар, грантлар, суғурта фонdlари (тўғридан-тўғри манбалар), солик имтиёzlари ва чегирмалар, кредит имтиёzlари, ускуналарни ижарага бериш, божхона имтиёzlари, амортизацион чегирма бўлиши мумкин. Ҳозирги вақтда инновацион молиялаштиришнинг энг истиқболли шакларидан бири венчур молиялаштириш ҳисобланади. Ушбу соҳада тижорат банклари, суғурта корхоналари ва бошқаларни жалб қилган ҳолда венчур молиялаштириш тизимини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчи йўналиш эса саноат корхоналари учун ишчилар, мутахассислар ва бошлиqlар тайёрлаш жараёнидир. Истеъмолчиларни мамлакат ва маҳалла бозорларига кириб бориши бир қатор устувор тармоқларни ривожлантириш учун ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Узок

муддатли ўсишнинг инновацион омилларини кучайтиришнинг устувор чоралари тизимли бўлиши ва бутун иқтисодиёт учун мультиплекатив таъсир кўрсатадиган учта асосий йўналишларни қамраб олиши керак.

Ушбу йўналишда олиб бориладиган сиёсий чораларга инновацион лойиҳаларни давлат томонидан молиялаштириш, илмий-тадқиқот лойиҳалари учун солиқ кредитлари бериш, ИТТКИ соҳасида ҳамкорлик шаклида технологиялар трансфери ташабbusларини қўллаб-куватлаш, қўшма тадқиқотлар, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорлик ва тадқиқотчиларни жалб қилиш, шунингдек, тартибга соловчи қўллаб-куватлашлар, шунингдек, интеллектуал мулкни ислоҳ қилиш ва стандартларни белгилашлар киради.

Инновацион тузилмани, яъни, инновацияларни яратиш ва муваффақиятли амалга ошириш жараёнида бевосита иштирок этадиган илмий, ишлаб чиқариш, молиявий ва бошқа жамоат ташкилотлари тўпламини яратиш лозим. Ҳозир мавжуд тузилмалар саноат ривожланишининг инновацион омилини фаоллаштириш бўйича стандарт тавсиялар билан чекланади. Давлат институтларининг зарур сифатига эришиш, ривожланишининг инновацион моделига ўтишнинг муҳим шартидир. Бундан ташқари, инновацион кичик бизнесни қўллаб-куватлаш тажрибасини кенг қўллаш, шу жумладан, келгусида маълум минтақавий номутаносибликларни енгиб ўтишга имкон берадиган инновацион инфратузилмани шакллантириш, хусусан, уни турли йўллар билан рағбатлантиришга эътибор қаратиш лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Баранчеев В.П., Масленникова Н.П., & Мишин В.М. Управления инновациями. – Москва, 2015.
2. Варшавский А.Е. Идеи академика АИ Анчишкина и проблемы инновационного развития России. //Мир новой экономики, 2013. – №3-4.

3. Ерохин П.В. О категории «ликвидность» в экономической теории. Критерии ликвидности // Вестник ИНЖЭКОНа. Серия: Экономика, 2013. – № 6 (65). – С. 134–137.
4. Зайнутдинов Ш.Н. Инновацион салоҳиятни ошириш стратегияси. //Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали, 2011. – №1.
5. Зинченко В.И. Региональная система мониторинга инноваций // Инновации, 2009. – № 1. – С. 27.
6. Кочетков С.В., & Кочеткова О.В. Модель состояния инновационного потенциала промышленных предприятий. //Инновации, 2016. – №5.
7. Кушлин В. Выбор модели развития в условиях ужесточения экологоресурсных ограничений // Экономист. – 2008. – №7. – С. 3–4.
8. Растворцева С.Н. Инновационный путь изменения траектории предшествующего развития экономики региона // Экономика региона, 2020. – Т.16, вып.1 – С. 28-42;
9. Романова О.А. Приоритеты промышленной политики России в контексте вызовов четвертой промышленной революции. Ч. 2. // Экономика региона. - 2018. – Т. 14, вып. 3. – С. 806-819
10. Сафина А.И. Методика оценки социально-экономической эффективности региональной промышленной политики // Эксперт. –2009. – № 14. – С. 32-37.
11. Barancheev V. P., Maslennikova, N. P., & Mishin, V. M. (2015). Innovation management. Pp. 124-125.
12. Block, F. (2015). Innovation and the invisible hand of government. In State of innovation. Pp. 9-34.
13. Kochetkova S.V., Kochetkova O.V. (2016). Model of the condition of the innovative potential of industrial enterprises. Innovations, (5 (211)).
14. Maslennikov M. I. (2017). The technological innovations and their impact on the economy. Economy of Region. Vol. 4. Pp. 1221–1225. doi: 10.17059/2017-4-20.

15. Mahmudov M.F. Features of effective usage of industrial potential in Kashkadarya region. Научные исследования. №2 (28) (2019).